

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ирискулов Темур Хайрулла угли

Тошкент молия институти

Бухгалтерия хисоби ва аудит факультет талабаси

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашда инвестицияларнинг муҳим ўрин тувишини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларга, хусусан, чет эл инвестицияларига бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши бугунги кунга келиб мамлакатимизда инвестиция фаолиятини жадал ривожлантиришга олиб келди. Хусусун, самарали инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилиши мамлакатимизда юритилаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсулни эканлигини қайд этиш лозим.

Инвестиция фаолиятини молиявий таъминлаш зарурияти барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиётнинг реал секторини катта ҳажмдаги инвестициялар билан таъминлаш, иқтисодиётдаги туб ўзгаришларни рағбатлантириш, ахоли даромадларининг ўсиши ва бошқаларга асосланадиган янги босқичдаги иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқади. Коронавирус пандемияси шароитида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Агар эътиборимизни мамлакатимизда ЯИМ ва асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларга қаратадиган бўлсак, унда қуйидаги ҳолатни кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистонда ЯИМ ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиши, млрд. сўмда⁸⁸


Расмда келтирилган маълумотлар таҳлилидан шуни кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ўзиш суръатига эга бўлган. Хусусан, 2000 йилда мамлакатимиз ЯИМ жорий нархларда 3,2 трлн. сўм бўлган бўлса, мазкур йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар

⁸⁸ www.stat.uz сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилди.

хажми 744,5 млрд. сүмга тенг бўлган, яъни асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯИМга нисбатан 22,8 фоизни ташкил этган. 2019 йил якунлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯИМга нисбатан 37,1 фоизни ташкил этиши мамлакатмизда инвестицион фаолликнинг ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Охирги уч йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий воситаларга киритилган инвестицияларни ўзлаштириш таркибиغا эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада ҳам жиддий ўзгаришлар борлигини кузатамиз. Хусусан, асосий воситаларга киритилган инвестициялар таркибида корхоналарнинг ўз маблағлари 2017 ва 2018 йилларда мос равишда 47,3 ва 42 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунларига кўра бу кўрсаткич 29,3 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида асосий воситаларга киритилган инвестициялар таркибида корхоналарга жалб қилинган маблағлари 2017 ва 2018 йилларда мос равишда 52,7 ва 48 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунларига кўра бу кўрсаткич 70,7 фоизни ташкил этган. Бундан шуни хulosа қилиш мумкинки, 2019 йил якуни бўйича асосий воситаларга киритилган инвестицияларни ўзлаштириш таркибида чет эл инвестициялари ва кредитларининг салмоғи ошган. 2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилишнинг фаол ўсиши электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, металлургия, тўқимачилик, чарм-пойафзал ва нефть-газ тармоқларида кузатилди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга киритилган
инвестициялар таркиби, фоизда**



2-расм. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга

киритилган инвестициялар таркиби, фоизда⁸⁹

2020 йил ва ундан кейинги йилларда түғридан-түғри хорижий инвестициялар ва кредитларни фаол жалб қилиш, уларни электр энергетика, ахборот технологиялари, шунингдек мавжуд ҳом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган кимё саноати, электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали уларнинг йўналишларини диверсификация қилиш ишларига қаратилади.

Инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш мақсадида миллий иқтисодиётга жалб этиладиган инвестицияларнинг ҳажмини янада уўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак, деб ҳисоблаймиз:

- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларидан бўлган лизинг, факторинглардан фойдаланиш жараёнларини кенгайтириш;
- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш;
- иқтисодиётнинг базавий тармоқларидағи монопол корхоналарни хусусийлаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни фаол жалб этишга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

⁸⁹ www.stat.uz сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилди.